



Абу Жаъфар Кусам ибн Аббос ибн Абдулмутталиб ибн Хишом ал-Курайший (розийаллоху анху) Расулulloхнинг (соллаллоху алайхи васаллам) амакиваччалари, у зотнинг амакилари Аббос ибн Абдулматталибнинг ўглидир. Тахминан милодий 624 йили тугилганлар. Кусамнинг оналари Умму Фазл куняси билан машхур бўлган Лубоба Кубро Пайгамбаримизнинг завжаи мутоххараларидан мўминлар онаси Маймуна бинти Хориснинг синглиси эди. Умму Фазлнинг олти ўгли ҳам Ислом йўлида катта хизматлар килган. Улар Ислом динини ёйиш учун дунё бўйлаб фатх килгани таралиб кетишган эди. Катабий айтади: “Тафсир сохиби Абу Солих бундай деб ёзган: “Хеч бир онанинг аббосийлардан бўлмиш Умму Фазлчалик ўгилларининг кабри таваллуд жойларидан бунчалик узокда жойлашганини кўрмадик: катта ўгли Фазл – Шомда (639 йил), Абдуллох – Тоифда (688 йил), Убайдуллох – Мадинада (705 йил), Кусам – Самарканддаги Шохи Зинда макбарасида (675 йил), Маъбад (Маъруф) – Африкода дафн этилган” (у Хазрати Усмон даврларида Шимолий Африко фатхида катнашган эди. Олтинчи ўгли Абдурахмоннинг вафоти юртида бўлган).

Кусам болалигидан рисолат сохибининг тарбиясида, у зотнинг меҳрини кўриб улгайди. Бир куни Пайгамбаримиз алайхиссалом Арафотдан кайтишларида Фазл ибн Аббосни олдиларига, Кусамни эса ортларига мингаштириб олганлари ривоят қилинади. Бошка бир ривоятда эса бундай дейилган: “Бир куни хазрати Расулulloх соллаллоху алайхи васаллам уловларини минган холда ўйнаб юрган бир гурух бола орасига кириб бордилар. Улар орасида Аббоснинг ўгиллари Убайдуллох ва Кусам ҳам бор эди. Шунда у зот одамларга: “Манавини (Убайдуллохни) олд томонига ўтказиб кўйинглар”, деган эдилар, уни олд томонларига ўтказишди. Кейин Кусамни кўрсатиб: “Буни орт томонига ўтказиб кўйинглар”, деган эдилар, уни орт томонларига ўтказишди”.

Уламоларимиз таъкидлашларича, Абду Маноф уруги ичида беш киши тана тузилиши жихатидан Пайгамбар соллаллоху алайхи васалламга жуда ҳам ўхшашар эди. Хатто баъзи кишилар уларни Расулulloх соллаллоху алайхи васалламга адаштириб ҳам юришлари мумкин эди. Булар: 1) Абу Суфён ибн Хорис ибн Абдулмуттолиб – Пайгамбар соллаллоху алайхи васалламнинг амакиваччаларидан бири, у зот билан эмикдош ака-ука ҳам хисобланар эдилар; 2) Кусам ибн Аббос ибн Абдулмуттолиб – у киши ҳам амакивачча бўлиб, Аббос ибн Абдулмуттолиб розияллоху анхунинг ўгиллари; 3) Соиб ибн Убайд ибн Абди Язийд ибн Хошим – имом Шофеъийнинг боболари; 4) Хасан ибн Али розияллоху анху – Расулulloх соллаллоху алайхи васалламнинг набиралари, Хазрати Али ва Фотима онамизнинг бош фарзанд-лари; 5) Жаъфар ибн Абу Толиб розияллоху анху. Кусам тадбирли, саховатли, одамларга меҳрибон киши бўлган. У хар бир ишда Пайгамбар алайхиссаломга эргашишга, у зотга ўхшашга интиларди. Айтишларича, Кусам

ибн Аббос уйларидан масжидга караб йўлга тушсалар, одамлар атрофга таралган атирнинг муаттар хидидан у кишининг ўтиб кетганларини дархол фахмлашар экан. Хишом ибн Исом Килобийнинг ривоят килишича, бир куни у одатига кўра Аббос хонадонига шеър ўқигани кирса, Кусамни кимматбахо заррин чопон кийиб турганини кўриб қолади. У назм оркали ўзининг чопон ва кўйлакка мухтож эканини изхор этади. Шунда Кусам ибн Аббос дархол заррини чопон ва унинг остидан кийган кимматбахо кўйлакни ечиб, Хишомга кийдириб юборади ва ўзи эски кийимларини кийиб олади. Пайгамбаримиз вафот этганларида Кусам ибн Аббос розияллоху анхунинг у зотни дафн этиш ишларида иштирок этганлари ҳам ривоят килинади. ндан сўнг катта мусибатга учраган Ислом уммати ўз Пайгамбарини дафн килишга тайёргарлик кўра бошлади. У зот соллаллоху алайхи васалламни ювиш, кафанлаш ва ерга кўйиш керак эди. Бу ишларни у зотга энг якин бўлган кишилар киладиган бўлдилар. Ана шу энг якин кишилар ичида Усома ибн Зайд розияллоху анху ҳам бор эдилар.

Омир аш-Шаъбий розияллоху анхундан ривоят килинади: «Набий соллаллоху алайхи васалламни Али, Фазл ва Усома ибн Зайдлар ювишган. Улар у зотни кабр-га ҳам кўйишган. Фориғ бўлгандан сўнг Али: «Кишига кариндошлари валий бўлади», деган» (Абу Довуд ривоят қилган). Бошқа ривоятларда зикр килинишича, мазкур уч кишига яна уч киши ёрдам бериб турган: Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламнинг амакилари Аббос ибн Абдулмуттолиб, Пайгамбаримиз соллаллоху алайхи васалламнинг озов килган куллари Шакрон розияллоху анху ва хазрати Аббоснинг яна бир ўгиллари Кусам ибн Аббос розияллоху анху.

Кусам ибн Аббос (розияллоху анху) Али ибн Абу Толиб (карамаллоху ваҳхаху) даврларида халифанинг Маккадаги омили (солик йигувчиси) ҳам бўлганлар.

Халифа Муовия даврида (милодий 661-680) Хазрати Усмоннинг ўгиллари, Хуросон волийи Саъид ибн Усмон билан бирга хижрий 43 йили Мовароуннахрни фатх этишга келганлар. Милодий 677 йили сугдийлар шаҳарга хужум қилганида Ислом кўшинлари билан жанг бўлди ва шу жангда Кусам шахидлик мақомига эришди. Абдуллох ибн Аббосдан (розияллоху анхумо) ривоят қилинишича, Кусам ибн Аббос ярадор бўлгач, вафотлари олдида: “Тугилган ерим вафот этаётган жойимдан канчалар узок-а, Маккада тугилиб, Самаркандда вафлэттаётиман”, деган эканлар. У киши Бану Ножиа кабристонидаги гор ёнида дафн этилганлар, кейинчалик бу жойда Султон Санжар Мозий (1118 – 1157) даврида “Кусамия” мадрасаси барпо этилган. Кабрлари Самарканддаги хозирги Шохизинда (Шохизинда – тирик шох дегани) мажмуасида. Юртимиздаги ягона сахобийнинг макбарасидан зиёратчиларнинг кети узилмайди. Кусам ибн Аббос (розияллоху анху) дафн этилган масжид деворида шундай ёзувлар бор эди: “Саъид ибн Усмон (розияллоху анхумо) хижрий 43 йили Хуросонга келиб, Самарканд дарвозасига якинлашганларида ортларидан Кусам ибн Аббос етиб келдилар. Шунда Саъид ибн Усмон Кусам ибн Аббосни ортларидан тушириб, у кишига иззат-эҳтиром кўрсатдилар ва бу ташрифдан мамнун бўлдилар. Сўнг икковлон Самарканддан ўтиб, Усрушонага караб юришди. Сираксга етганда тўхтаб, бир неча кун туриб қолишди. Кейин Кусам ибн Аббос вафот топди. Саъид ибн Усмон ва кўшин у кишига жаноза ўқишди. Сўнг Саъид ибн Усмон Кусам ибн Аббоснинг тобутларини шаҳарга (Самаркандга) жўнатдилар”.

Ахмад МУХАММАД